

7-10-2019

THE WAYS OF OVERCOMING DIFFICULTIES OF TEACHING ENGLISH VOCABULARY.

Муштарийбегим Фахриддин қизи Сайфиддинова
Namangan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Сайфиддинова, Муштарийбегим Фахриддин қизи (2019) "THE WAYS OF OVERCOMING DIFFICULTIES OF TEACHING ENGLISH VOCABULARY.," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 61.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/61>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE WAYS OF OVERCOMING DIFFICULTIES OF TEACHING ENGLISH VOCABULARY.

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ЛЕКСИК ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Сайфиддинова Муштарийбегим Фахриддин қизи

Аннотация. Мазкур мақола бошланғич синфларда инглиз тили лексик материални ўргатишда юзага келадиган қийинчиликлар, инглиз тилида актив, пассив ва новокобуляр лексика(потенциал)ни ўргатиш усуллари масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар: инглиз тили ўқитиш, лексик қийинчиликлар, бартараф этиш усуллари, актив, пассив ва потенциал лексика, усул ва йўллар.

THE WAYS OF OVERCOMING DIFFICULTIES OF TEACHING ENGLISH VOCABULARY.

Abstract. This article is determined to the problems of Difficulties of Teaching English Vocabulary, The ways of Teaching Productive, Receptive and Potential English Vocabulary in Elementary Classes in Secondary Schools.

Key words: Teaching English, Pronunciation difficulties, ways of overcoming, Productive, Receptive and Potential Vocabulary, ways and techniques.

ПРИЁМЫ УСТРАНЕНИЯ ЛЕКСИЧЕСКИХ ТРУДНОСТЕЙ ПРИ ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ

Аннотация. Данная статья посвящается приёмам устранения лексических трудностей при обучении английскому языку в начальных классах, а также рассматриваются приёмы обучения активной, пассивной и потенциальной лексики английского языка.

Ключевые слова: обучение английскому языку, трудности произношения, приёмы устранения, активная, пассивная и потенциальная лексика, методы и приёмы.

Чет тил ўқитиш методикасида *тил материали* муфассал тадқиқ этилган соҳалардан биридир [2; 3; 4]. Нутқда фикрни ифодалаш ёки ифодаланган фикрни тушуниб олиш учун тил материални қўллай билиш талаб этилади. Замонавий ўқитиш амалиётида тил материали тушунчаси икки маънода талқин этилади: (1) лексик, грамматик, фонетик ва бошқа лисоний бирликлар мажмуи; (2) ўқитиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, тил системасидан танлаб олинган тил минимуми деб аталган, ўқувчилар учун чет тил материали ҳисобланадиган бирликлар йиғиндиси [3:55-65].

Тил материали борасида сўз юритганда, уч методик тушунчани бир-бирдан фарқлашга тўғри келади; (1) чет тил ўқитиш мазмуни, (2) унинг таркибидаги тил материали ва (3) ундан ажратиб олинандиган тил материални ўқитиш мазмуни. Бунда лексик минимумдан лексикани ўргатиш мазмуни, грамматик минимумдан грамматикани ўргатиш мазмуни, талаффуз материалдан талаффузни ўргатиш

мазмунини ажратиб олиш, ва уларни ўрганишда махсус машқлар бажариш, бинобарин, тегишли вақт ҳамда куч сарфлаш шарт бўлган тил ҳодисаларини танлаш масаласи туради.

Тил материаллини, бир томондан, сезгилар ёрдамида айтиш, эшитиш, кўриш ва ёзиш мумкин, иккинчи томондан эса, нутқ фаолияти турларида уларни қўллаш ва идрок этиб тушуниш мумкин.

Маълумки, ўқитиш амалиётида инглиз тили ўрганишда ҳар қайси босқич ва ташкилий қисм(ўқув юрт)лари учун алоҳида-алоҳида лексик, грамматик, талаффуз, имло, сўз яшаш минимумлари танланади.

Танлаш мезонлари умумий бўлса-да, шакллантирилган тил минимумлари миқдорий ва сифат жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, коллежларда тил материаллини методик тайёрлаш (танлаш, тақсимлаш, таснифлаш ва тақдимот) ва ўрганиш учун тақдим этилиши ҳам ўзига хос жараёндир.

Замонавий чет тил ўқитиш методикасида *лексикани ўргатиш* нутқ фаолияти турларини эгаллаш воситаси сифатида талқин қилинади. Инглиз тили ўқитиш методикасида лексикани ўргатиш икки босқичдан иборат жараён деб қаралади. Биринчиси, лексикани методик тайёрлаш (танлаш, тақсимот, тасниф, тақдимот) босқичи бўлиб, ушбу жараён мазкур соҳа методистлари томонидан амалга оширилади. Иккинчиси, лексик кўникмаларни шакллантириш босқичи бўлиб, ушбу жараёнда бевосита ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

Маълумки, ўқитиш методикасида ўқув шароитига қараб актив (репродуктив) ва пасив (рецептив) лексика танланади. Ўқувчи ўз фикрини баён этаётганида ва ўзгалар нутқида тушуниладиган луғат актив лексика дейилади. Идрок этиб тушунишга мўлжалланган луғат пасив лексик минимум ҳисобланади.

Чет тил ўқитиш методикасида лексик материалнинг реал, потенциал ва новокобуляр турлари мавжуд. Реал лексика актив ва пасив лексикадан иборат бўлиб, ўқувчиларда машқлар махсус кўникма ва малакалар шакллантирилади. Новокобуляр лексика матн мазмунида бир марта қўлланиб, бошқа машқларда мустақамланмайдиган бирликларни ифодалайди.

Потенциал лексика-ўқувчилар ўқиш ва тинглаш жараёнида мустақил фаҳмлай оладиган лексикадир. Бундай сўзлар алоҳида машқлар ёрдамида ўргатилди, аудио ёки график матнни тинглаш жараёнида ўқувчилар тил тажрибаси орқали фаҳмланиладиган лексикадир.

Лексик материални ўргатишга бир қанча методист олимлар ўз илмий-тадқиқот ишларини бағишлаганлар. Улар В.Н.Бухбиндер, Б.В.Беляев, С.Ф.Шатилов, С.В.Калинина, Ю.В.Гнаткевич, П.С.Яхно, И.М.Берман, Л.З.Якушина, Г.М.Леман-Абрикосов, Ҳ.Сойназаров ва бошқалар. Улар лексик материални турли соҳалар нуқтаи-назаридан туриб тадқиқ этишга ҳаракат қилишган [4].

Потенциал сўзи лотинча «*potentia*» сўзидан олинган бўлиб, куч деган маънони ифодалайди, яъни ўқувчига нотаниш, лекин учратганда маъносини топиши мумкин бўлган сўз ёки иборалар тушунилади.

Потенциал луғат деб ўқувчи ҳали ўрганмаган, нотаниш луғатга дуч келганда, она тили ёки иккинчи тилнинг шаклий (формал), маъновий (семантик) томонларининг ўхшашлиги орқали, уни билиб, таниб олишнинг ички имкони бор лексик бирликларга айтилади. Потенциал луғатни оғзаки (аудиоматнда) ёки ёзма (график матнда) шаклда тақдим этиш орқалигина билиб олиш мумкин. Ўқувчи матни идрок этганда, сўз маъносини мустақил фаҳмлай олса, ушбу сўз потенциал луғат ҳисобланади. Потенциал луғат системасига асосан қуйидаги сўзлар киради:

1. Байналмилал сўзлар (tennis-теннис, business-бизнес, club - клуб);
2. Конверсия яъни турли сўз туркумларига мансуб, аммо шакли бир хил сўзлар (answer-жавоб, to answer-жавоб бермоқ, air-ҳаво, to air-шамоллатмоқ);
3. Таниш сўзлардан тузилган қўшма сўзлар (cloakroom, bedroom, classroom, bathroom, peacetime, lunchtime, bedtime, bookshop, penfriend, bookshop, penfriend);
4. Сўз ясовчи элементлари таниш сўзлар:

Air-airless, advice-misadvice, name-nameless, do-misdo, home-homeless, tree-treeless, know-misknow

Ички имкониятлар луғатининг яна бошқа қатламини маъноси контекстда фаҳмланадиган сўзлар ҳам ташкил қилади.

Hashar, shahzoda, Ramadan, shoh, madrasah, Kurban Khayit, sumalak, namaz, hoji bobo, Navruz, palov, haj, Muslem.

Ўрганилган реал ва потенциал луғат ўқувчиларнинг вокабуляр лексикаси дейилади. Вокабуляр атамаси ҳам лотинча сўз бўлиб, ўқувчи луғат бойлигини ташкил этадиган сўзлар мажмуига айтилади.

Вокабуляр лексика нутқда уч гуруҳ бирликларга ажратиб ўрганилади: осон, нисбатан қийин, энг қийин сўзлар.

Биринчи тоифага потенциал луғат бирликлари киради. Улар нисбатан осон ўзлаштирилади. Ўқувчи тўплаган тил тажрибаси уларни ўрганишда қўл келади яъни ёрдам беради.

Потенциал луғат чет тил ўқитиш методикасида қуйидагича таснифланади (типология):

1. Шакли ва маъноси чет тилда, она тил ва иккинчи тилда ўхшаш сўзлар (club-клуб, tennis-теннис, sport- спорт, hockey-хоккей ва ҳ.к.з.);
2. Шакли ва маъноси иккинчи ва чет тилда ўхшаш сўзлар (literature-литература, culture- култура, history-история, centre-центр ва ҳ. к. з.);
3. Чет тил конверцияси усулидаги сўзлар (work-ишламоқ, far-узоқ, узоқда, near-яқин, яқинда, on-да, устида, at-да, ёнида ва ҳ. к. з.);
4. Қисмлари олдин ўрганилган, ўқувчига таниш қўшма сўзлар (bookshop-китоб магазини, schoolboy-мактаб ўқувчиси, homework-уй вазифаси, snowball-қорбўрон, housewife-уй бекаси ва ҳ. к. з.);
5. Ўзак ва аффикслари таниш бўлган ясама сўзлар (work-er difficult-y, celebrate-celebration, inform-information, report-reporter ва ҳ. к. з.);

6. Тўлиқ шакли таниш қисқартма сўзлар (the UK-the United Kingdom, the RU-the Republic of Uzbekistan, the USA-the United States of America, the UN-the United Nations Organizations).

Иккинчи тоифага она тили ва иккинчи тил тажрибаларига суянмай ўрганиладиган қўлланиш (функциявий), маъноси (семантик) жиҳатдан лексик хатоларга сабаб бўлмайдиган сўзлар киради (book-китоб, tea- чой, write-ёзмоқ ва ҳ.к.з.). Ушбу сўзларнинг маъно доираси иккала тилда ҳам бир-бирига мос келади. Бироқ, бу лексик қатлам нисбатан қийинроқ ўзлаштирилади.

Энг қийин лексик қатлам маъно, қўлланиш ва шаклий соҳаларда қийинчиликлар келтириб чиқарадиган тоифадир.

Учала тил бўйича тажриба мутаносиблиги жиҳатдан энг қийин лексика куйидагича тавсифланади:

Кўп маъноли сўзлар: “сохта” ўхшаш сўзлар (magazine-журнал, champions of peace-тинчлик тарафдорлари); таркибий қисмлари оддин ўрганилмаган ясама сўзлар; функционал (ёрдамчи) сўзлар (предлог, артикл, қўмакчи ва ёрдамчи феъллар ва бошқалар).

References:

1. Andriyanova V. I. Teoriya i praktika obucheniya uzbekskix shkolnikov ustno rechevomu obsheniyu na russkom yazyke: Avtoref. dis. ... dok. ped. nauk. –Т., 1997. –39 s.
2. Djalalov D. D. Problemy soderjaniya obucheniya inostrannomu yaziku. Т.: Fan, 1987. - 110s.
3. Jalolov J. J. Chet til o'qitish metodikasi. Chet tillar oliy o'quv yurtlari (fakultetlari) talabalari uchun darslik. –Т.: O'qituvchi, 1996. –368 b.
4. Konisheva A. V. Sovremennie metody obucheniya angliyskomu yaziku. –М.: Tetra Sitems, 2003. –176 s.